



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 31 август, № 179 (7409)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШИ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.



Янги йирик sanoat inshootlari, tub iqtisodiy va ijtimoiy islohotlar Ўзбекистоннинг довруғини оширмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда янги-янги inshootlar, korxonalar, tibbiёт va taъlim muassasalari, sport majmualari, ravon йўللار, кўприklar, mahallа guzarlari, bozorlar, boglar, хiebонлар қурилиб, fойdalанишга topширилди.

сан, Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда янги-янги inshootlar, korxonalar, tibbiёт va taъlim muassasalari, sport majmualari, ravon йўллار, кўприklar, mahallа guzarlari, bozorlar, boglar, хiebонлар қурилиб, fойdalанишга topширилди.

муалари, равон йўллار, кўприklar, mahallа guzarlari, bozorlar, boglar, хiebонлар қурилиб, fойdalанишга topширилди.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами арафасида ҳам бир неча шундай бино-инshootлар, маданий-маиший муассасалар ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг реконструкция қилинган янги биносини бориб кўрди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур билим юрти рақс санъати бўйича мутахассислар тайёрлаш борасида мамлакатимиздаги етакчи олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Олий мактаб таркибида ихтисослаштирилган мактаб-интернат, хореография коллежи фаолият кўрсатади. Олий мактаб битиручиларига бакалавр ва магистр даражасидаги мутахассислик дипломлари берилади. Хореография жамоалари раҳбари, хореограф-педагог, хореограф-санъатшунос мутахассислар тайёрланади.

Бугунги кунда мазкур билим максанини битирган юзлаб мутахассислар мамлакатимиздаги ижодий бирлашмалар, концерт ташкилотлари, театр жамоалари, профессионал ансамбллар, болалар мусиқа ва санъат мактабларида самарали фаолият юритмоқда.

Олий мактаб билан АҚШ, Германия, Франция, Италия, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Қозғоғистон ва бошқа мамлакатларнинг хореография марказлари ўртасида кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу ерда билим олаётган ёшлар кўплаб хорижий давлатларда ўтказилаётган нуфузли халқаро танловлар, фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Ушбу муассаса узоқ йиллар эски бинода фаолият юритиб келди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОСМИК ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда амалга оширилаётган мавжуд илмий-технологик йўналишларни кенгайтириш ва талаб юқори бўлган янги йўналишларни яратишга қаратилган фаол инвестиция сиёсати, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар инновациялар, нано-технологиялар, атом энергетикаси, космик sanoat каби ҳали фойдаланилмаган юқори илмий ҳажмдор, технологик ва кенг қўламли фаолият йўналишларидан фойдаланишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида машинаsozлик соҳасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш учун зарур бўлган муҳим илмий-техник, синов-ишлаб чиқариш, тажриба-изланиш салоҳияти, етарли интеллектуал ва касбга доир ресурслар, муайян базавий космик инфратузилма мавжуд.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЁШЛАРНИ ИЛМ-ФАН СОҲАСИГА ЖАЛБ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛЛАБ- ҚўВВATЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикада илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш бўйича амалий ишлар олиб боришда, иқтидорли ёшларни нуфузли миллий ҳамда халқаро олимпиадалар, мусобақалар ва танловларда салмоқли натижаларга эришишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва тадбиркорларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини қучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

(Давоми 3-бетда).



САМИМИЙ ҚўТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва жамоат арбобларидан мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан қўтловлар келмоқда.



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва бутун Ўзбекистон халқига қизгин табриklarимни йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Хиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Сиз, Жаноби Олийларининг жорий йил январь ойида Гужарат штатига ва ундан аввал Хиндистонга амалга оширган таширларингиз икки томонлама муносабатлар ривожини янги bosқичга кўтарди. Ишончим комилки, стратегик муносабатларимиз яқин йилларда янада ривожланади ва бундан-да кенг қамровга эга бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва бардавом тараққиёт тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Нарендра МОДИ,
Хиндистон Республикаси
Бош вазири**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга қизгин табриklarимни йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Покистон ва Ўзбекистонни умумий дин, мустаҳкам тарихий ва маданий муштаракликка асосланган самимий ва ишончли муносабатлар bogлаб туради. Покистон ўзаро манфаатли соҳаларда aloқаларимизни бундан буён кенгайтиришдан манфаатдор. Аминманки, ҳамкорлигимиз келгусида ҳам халқларимиз манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сийхат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига бардавом равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Ориф АЛВИЙ,
Покистон Ислom Республикаси
Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан Покистон Ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номидан Сизни, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Ҳукумати ва халқини чин юракдан муборакбод этиш менга катта мамнуният бахш этади.

Муштарак маданий ва тарихий илдиизга эга икки томонлама муносабатларимиз ўтган йиллар давомида мустаҳкам биродарлик aloқаларига айланди. Покистон ушбу дўстона ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришдан манфаатдор. Биз, шунингдек, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамфикрликни юқори кадрлаймиз.

Ҳамкорлигимизни янги bosқичга олиб чиқиш мақсадида Сиз, Жаноби Олийларини ўзингиз учун қўлай вақтда Покистонда қўтлашдан умидворман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва омонлик, дўст Ўзбекистон халқига бардавом равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Имрон ХОН,
Покистон Ислom Республикаси
Бош вазири**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари!

Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва халқини мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан самимий муборакбод этаман.

Икки давлат ўртасидаги дўстона aloқалар кун сайин ривожланиб, чуқурлашиб бормоқда. Ишончим комилки, бу жараён ҳар икки томон манфаатларини таъминлаш ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида давом эттирилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Худованди Каримдан Сиз, Жаноби Олийларига осуда ҳаёт, дўст ва биродар Ўзбекистон Республикаси халқи ва Ҳукуматига бахт-саодат ҳамда юксалиш тилаб қоламан.

**Ҳасан РҲҲОНИЙ,
Эрон Ислom Республикаси
Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини ўз номидан ва Озарбайжон халқи номидан миллий байрам — Мустақиллик куни билан чин юракдан муборакбод этаман.

Биродар Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, мамлакатнинг халқаро нуфузи кун сайин ортиб бораётгани бизни хурсанд қилади.

Озарбайжон — Ўзбекистон давлатлараро муносабатлари ва стратегик шериклиги янада мустаҳкамланиб, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлашга асосланган ҳамкорлигимиз икки ва кўп томонлама тарзда ривожланиши халқларимиз фаровонлигига бундан буён ҳам хизмат қилади.

Муҳтарам Шавкат Миромонович, ушбу тарихий кунда Сизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизга муваффақият, биродар Ўзбекистон халқига бардавом тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси
Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Беларусь халқи ва шахсан ўз номидан Сизни миллий байрам — Мустақиллик куни билан муборакбод этаман.

Дўст Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги салмоқли муваффақиятлари, мамлакатнинг жаҳондаги ўрни муттасил юксалиб бораётганидан Беларусь халқи ниҳоятда мамнун.

Беларусь билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро англашув ва қўллаб-қувватлаш аъёналарига асосланган муносабатларнинг бугунги даражасини юксак баҳолаб, давлатларимизнинг стратегик шериклиги янада мустаҳкамланишига ишонч билдираман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июль — 1 август кунлари Беларусь Республикасига амалга оширган тарихий таширфи мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги aloқаларни кенгайтириш, турли соҳаларда қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш учун кучли туртки бўлганига ишончим комил.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, чин юракдан сийхат-саломатлик, туганмас гайрат-шижоат, ўз олдингизга қўйган барча мақсадлар рўёбини, биродар ўзбек халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрами муносабати билан самимий табриklarимни қабул қилгайсиз.

Менда чуқур таассурот қолдирган Ўзбекистонга таширфимни, Сиз билан ишонч руҳида батафсил фикр алмашганимизни катта мамнуният билан эслайман.

Ушбу таширф Сизнинг шу йил бошида Германияга амалга оширган таширфингиз каби ўзаро муносабатларимизни муваффақиятли ривожлантириш учун яхши замин яратишга ҳисса қўшди.

Германия Сизни қатъий ислохотлар сиёсатингизни давом эттиришингизда бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайди.

Сизга бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эркинлик, хавфсизлик ва бардавом фаровонлик шароитида тинч-осойишта келажақ тилайман.

**Франк-Вальтер ШТАЙНМАНЕР,
Германия Федератив Республикаси
Федерал Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан ўз номидан ва Франция халқи номидан Сизни самимий муборакбод этишдан ҳамда Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилашдан бахтиёрман.

Мамлакатларимиз бир-бирига яқинлашиб бораётганини олқишлайман. Бу Сизнинг 2018 йил октябрь ойида диёримизга расмий таширфингиз ҳамда жорий йил апрель ойида Франциянинг Европа ва ташқи ишлар вазири ҳузуридаги Давлат котиби Жан-Батист Лемуаннинг Тошкент ва Самарқандга таширфида ўз аксини топди.

Ушбу таширфлар икки давлат сиёсий соҳадаги мулоқотни жадаллаштиришдан манфаатдор эканини тасдиқламоқда. Жорий йил Париж шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган икки томонлама сиёсий маслахатлашувлар бу борада навбатдаги қадам бўлади.

Иқтисодиёт, туризм инфратузилмаси, авиация ва барқарор тараққиёт ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишларидир. Умид қиламанки, Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо aloқалари Сизнинг мамлакатимизга расмий таширфингиз давомида эришилган келишувларга мувофиқ янада мустаҳкамланади.

Сизнинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва Афғонистондаги вазият-ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни олқишлайман. Франция Сизнинг мазкур йўналишдаги интилишингизни қўллаб-қувватлайди.

Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

**Эммануэль МАКРОН,
Франция Республикаси Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Президент Жаноблари!

Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилингани байрами муносабати билан Сизга энг илиқ табриklar, дўст Ўзбекистон халқига самимий тилаклар билдиришга ихозат бергайсиз.

Италияга бўлажақ таширфингиз халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлаш ҳамда Тошкент ва Рим ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий aloқаларни янада ривожлантириш учун янги шароитлар яратоди.

Шундай умидлар ва Квиринал саройида Сиз билан учрашиш нияти ила Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, мамлакатингизга равнақ тилайман.

**Серго МАТТАРЕЛЛА,
Италия Республикаси
Президенти**

*Қўтловлар келиши
давом этмоқда.*

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Моддий маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 2 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 24 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **132-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги тартирда баён этилсин:

«Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш қўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

2) **229-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида

муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига кирилтилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **64-модданинг матни** қуйидаги тартирда баён этилсин:

«Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш

ва улардан фойдаланиш қондаларини бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик

бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига кирилтилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузиш, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **268³-модда** билан тўлдирилсин:

«268³-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданий вазирилик ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари

Ушбу Кодекснинг 64-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.
Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга қўриб чиқиш учун юборилади».
3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида» ги 222-II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6–7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда, № 10, 670, 677-моддалар; 2019 йил, № 7, 389-модда) 1-илоvasи қуйидаги мазмундаги табғоши билан тўлдирилсин:
«Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир фаолият».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ўРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар;

ХАЛҚИМИЗНИНГ ҚАТЪЙ ИНТИЛИШИ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ РАМЗИ

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 3 февралдаги тегишли қарорига асосан, Тошкент давлат миллий рақс ва хо­реография олий мактабига алоҳида бино ажратилиб, замонавий реконструкция қилинди. Бу ишларга 15 миллиард сўмдан ортиқ маблаг сарфланди.

Катта балет зали, 2 маърузалар зали, 16 хореография ва балет зали, 7 мусика, 8 аудитория, 2 компьютер технологияси хонаси, ахборот-ресурс маркази, кутуб­хонада талабалар учун барча шaroит яратилган. Бундан ташқари, 300 ўринли ётоқхона, 100 ўринли ошона фаолият кўрсатадими.

— Хорижий давлатларда шу каби санъат масканларини кўрганимда биз ҳам шундай жойларда машгулот ўтказармиканмиз, деб оруз қилардим, — дейди мураббий Елена Нодирова. — Бугун орузимизга етдик. Бундан, айниқса, талабалар хурсанд. Сабаби, машгулотлар ўтadиган эски за­лимиз талабга жавоб бермай қолганди. Натижада жароҳат олиш ҳолатлари ураб турарди. Ҳозирги эллимиз кенг ва ёруғ. Энг замонавий ускуналар билан жиҳоз­ланган. Бизга шундай шaroит яратиб бе­рилганидан миннатдорим.

Шавкат Мирзиёев бу ердаги шaroит, муҳит ва ютуқларни мамлакатимизнинг бошқа жойларида ҳам тaтибқ этиш, ҳудудларда мактаб филиалларини очиш, «Устоз — шогирд» аънасини мустаҳкам­лаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари билим юртининг ўқитувчи ва мураббийлари билан суҳбат­лашди. Миллий санъатимизга эътибор, бу соҳада янги таълим масканлари қуриш ва устозлар меҳнатини рағбатлантириш иш­ларини изчил давом эттириш лoзимлиги кайд этилди. «Баҳор» рақс ансамбли қайта тикланаётгани соҳа вакилларига катта қувонч бағишлади.

Олий мактаб ижодкорлари учун дам олиш маскани тaшил этиш ва автобус ажратиш бўйича топишқир берилди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафа­сида Тошкентда яна бир йирик мажмуа — «Наврўз» боғи фойдаланишга топиш­рил­ди. Президент Шавкат Мирзиёев маъкур боғда яратилган шaroитлар билан танишди.

Президентимиз ташаббуси билан амал­га оширилган «Наврўз» боғи Тошкентнинг Абдулла Қодирий, Лабазқ, Нурафшон ва Шароф Рашидов кўчалари кесишган жойда барпо этилди.

Таъкидлаш жоизки, «Наврўз» боғи ушбу байрам нишонланadиган бирорта мамла­катда йўқ. Шу жиҳатдан Наврўз қадрият­лари ва моҳиятини англашга қаратилган боғ бунёд этилиши халқимиз маънавий ҳаётидagi катта воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили фев­раль ойида бу ерда бўлиб, боғнинг маъ­мун-моҳиятини бойитиш бўйича тавсия­лар берган эди. Шу асосда қад ростла­ган истироҳат боғида халқимиз мадания­ти, миллий қадриятлари «чуқур ифодаси­ни топган. 2,5 гектар майдонни эгалла­ган этнографик шаҳарчада Қорақалпоғис­тон Республикаси ва барча вилоятлар ном­лари билан аталadиган кўчалар ва қадимий услубда уйлар бунёд этилиб, хар бир ҳудуднинг ўзига хос аънаналари, хунармандчилиги, турмуш тарзи ас­со эътирилган.

Боққа келган киши астрономик мак-

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, мамлакатда қишлоқ ва сув ҳўжалиги, экология, телекоммуни­кация, геология-қидирув, картография, метеорология, сейсмология ва шахарсоз­лик соҳаларининг самарадорлигини оши­риш имконига эга бўлган ерни масофа­дан туриб зондлаш, йўлдош алоқа, нави­гация тизимлари каби космик тадқиқот­лар ва технологиялар соҳасида фаолият деярли амалга оширилмаётти.

Мамлакатнинг янада барқарор ривож­ланиши, жумладан, иктиодиётнинг тур­ли соҳаларида инновацион космик те­хнологиялардан фойдаланиш орқали мав­жуд илмий-техник салоҳиятини самарали амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамаси ҳузурида Космик тад­қиқотлар ва технологиялар агентлиги** (кейинги ўринларда — «Ўзбеккосмос» агентлиги) тaшил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик Телекомму­никация инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармасининг Йўлдош алоқа те­хнологиялари бошқармаси тузилсин ва унинг бўйашдиган 5 та штат бирлиги «Ўзбеккосмос» агентлигига ўтказилсин.

Белгилансинки:

«Ўзбеккосмос» агентлиги космик тад­қиқотлар ва технологиялар соҳасида я­гона давлат сиёсати ва стратегик йўналиш­ларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

«Ўзбеккосмос» агентлиги ходимлари­нинг чекланган сони 37 та штат бирлиги­ни тaшил этади;

«Ўзбеккосмос» агентлиги бош дирек­тори, бош директор ўринбосарлари Ўзе­бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси­нинг қарори билан лавозимга тайинла­нади ва лавозимдан озод этилади;

«Ўзбеккосмос» агентлиги бош дирек­тори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиб­бий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари­га кўра вази­рининг биринчи ўринбосарига, бош директор ўринбосар­лари эса ва­зир ўринбосарларига тенглаш­тирилади;

«Ўзбеккосмос» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаг­лари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялашти­рилади.

3. Қуйидагилар «Ўзбеккосмос» агент­лигининг асосий вазифалари этиб бел­гилансин:

космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида **ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш**;

Ўзбекистон Республикасида **космик тармоқни ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амал­га ошириш**;

космик фаолият, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида қонун ҳужжат­ларини тақомиллаштириш бўйича тақлиф­лар тайёрлаш, шу жумладан, норматив-

ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

космик фаолият соҳасининг лозим да­ражада ривожланиши, соҳага тегишли ва у билан боғлиқ ишлар, хизмат кўрсатиш­нинг бажарилишини таъминлаш мақсади­да космик фаолият соҳасидаги қонун ҳуж­жатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

космик тармоқ инфратузилмаси, космик тадқиқотлар ва технологиялар, ил­мий-изиланиш, тажриба-конструкторлик ва инновацион ишларни **ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш**;

космик фаолиятнинг барча йўналиш­лари бўйича кадрларни, жумладан, етак­чи хорижий олий таълим муассасалари­да тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака­сини оширишни тaшил этиш;

стратосфера ва бошқа учувчисиз учиш аппаратлари, шунингдек, ерни масофа­дан туриб зондлаш ва йўлдошли алоқа космик аппаратларини қўллаган ҳолда давлат органларига масалаларни ҳал этиш самарадорлигини оширишда кўма­клашиш;

космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

хорижий инвестициялар ва илгор те­хнологияларни космик фаолият соҳасига, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилиш мақсади­да манфаатдор вазириклар ва идоралар билан биргаликда халқаро молия инсти­тутлари, донор-мамлакатлар, компания­лар ва банклар билан ҳамкорликни ри­вожлантириш;

космик ва йўлдош технологияларни жо­рий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий тижорат тузилма­лари, ишлаб чиқарувчилар ва молия ре­сурсларининг кенг жалб этилишини таъ­минлаш;

космик фаолиятнинг айрим йўналиш­лари тижоратлаштирилишини рағбатлан­тириш.

4. «Ўзбеккосмос» агентлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Ахборот техно­логиялари ва коммуникацияларини ривож­лантириш вазирилик, Мудоофа вазири­ли­ги, Инновацион ривожланиш вазирилик, Олий ва ўрта махсус таълим вазири­ли­ги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар вакил­лари, шунингдек, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасидаги халқаро экспертларни ўз таркибига киритган **Илмий-техник ва эксперт кенгаши** тaшил этилсин.

Белгилансинки, космик тармоқни ри­вожлантиришнинг стратегик масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш «Ўзбеккос­мос» агентлигининг Илмий-техник ва эксперт кенгаши ҳулосалари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 30 август	

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРDOВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ЁШЛАРНИ ИЛМ-ФАН СОҲАСИГА ЖАЛБ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, ёш иқтидор соҳибларини инновацион тадбиркорлик соҳасига тизимли жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, шу жумладан: иқтидорли ёшларни ишбилармонлар ва етакчи олимлар билан ҳамкорликда иш юритиши учун ягона тизим яратиш ва шу асосда илм-фан соҳасида ёш кадрлар етиштириш тизимининг узвийлигини таъминлаш;

ишлаб чиқариш соҳасига юрчи технологиялари таътиб этиш ва илмий тадқиқотларга ёшларни жалб этиш ҳамда илмий-техник ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун платформалар яратиш талаб этилмоқда.

Иқтидорли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш, мамлакат илм-фанининг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлилигини таъминлаш, мавжуд илмий мактаблар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг;
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида Ёшлар академиясини (кейинги ўринларда — Ёшлар академияси) юридик шахс мақомисиз ташкил этиш;

Ёшлар академиясига раҳбарлиқни Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг **биринчи ўринбосарига юқлаш**;

Ёшлар академиясига ўзларининг инновацион лойиҳалари ва гоғяларига эга иқтидорли ёшлар ва талабалар, **40 ёшгача бўлган олимлар ва тадбиркорлардан ташкил топган жамоаларни** танлов асосида қабул қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилиш.

Белгилансинки, Ёшлар академиясининг жамоалари аъзолари Ёшлар академияси аъзолари ҳисобланади.

2. Ёшлар академиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ошириш;

иқтидорли ва ташаббускор ёшлар бўйича ягона маълумотлар базасини шакллантириш ва мунтазам аңгиллаб бориш ҳамда уларнинг мамлакатнинг етакчи олимлари ва ишбилармонлари билан ҳамкорлигини таъминлаш;

илмий-тадқиқотларни бажариш иштиёқига эга иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб боришларига имкон яратиш, яңги авлод ёш олимларини тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

ёш олимлар томонидан аниқ вазифаларни ҳал этишга, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган илгор технологияк ишланмаларни ишлаб чиқишга қўлай шароитлар яратиш;

илмий-инновацион акселератор ва бизнес-инкубаторларни ташкил этиш асосида ташаббускор ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш;

ёшларнинг стартап лойиҳаларини ҳўжалик бошқаруви органлари ва давлат улуши мавжуд корхоналарни илчил ривожлантириш бўйича замон талабларига жавоб берадиган, тижоратлаштириш даражаси юқори бўлган махсусотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтириш;

иқтидорли ёшларнинг ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш корхоналарида малака оширишларига қўмаклашиш;

халқаро ва маҳаллий даражада эътироф этилган ташкилотлар, университетлар, илмий марказлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, уларнинг олимлари ва мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари, тренинглар, шунингдек, долзарб илмий-инновацион йўналишлар бўйича конференциялар, семинарлар ва танловлар ўтказиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг **Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бошқармаси тугатилсин ва унинг 5 та штат бирлиги** амалдаги молиялаштириш тартиби сақлаб қолинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тизимига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида вазирликка ўтказилаётган штат бирликлари ҳисобидан **Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бошқармаси** ташкил этилсин ва у Ёшлар академиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Ёшлар академиясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

31 август — Катағон қурбонларини ёд этиш куни

Муқаддас зиёратгоҳ, маънавият ва маърифат ўчоғи

Мустақилликнинг илк йилларида мамлакатимизда ўта долзарб иқтисодий ҳамда сиёсий муаммоларни ҳал қилиш билан бирга, қадриятларни тиклаш, халқимизнинг миллий онги ва тафаккурини, ғурурини ўғотиш, ўзлигини аңглатиш масаласи ўта долзарб эди. Бунинг учун ўтмишни ўрганиш, тарихий адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш талаб этиларди.

Маълумки, мустабид тузум тарихимизда оғир жараҳатлар қолдириб, халқимиз бошига чексиз мусибатлар келтирган. Ватан озодлиги учун курашган минглаб юртдошларимиз “халқ душмани”, “миллатчи” сифатида қораланиб, катағон этилган.

Мамлакатимизда истиқлол йўлида жон берган аждодларимизнинг номини оқлашга, уларнинг маърифатпарварлик, ўзликини аңлаш, та- раққийпарварлик гоғяларини ўрга- нишга, фаолиятларини ибрат наму- наси сифатида кенг тариб этишга алоҳида эътибор қаратилди. 2000 йил 12 май куни Тошкентнинг Юнусобод туманида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси очилгани бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтарди. Мустамакачилик йиллари- да Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг борлиқ хотираси ушбу ёдгорликка абадий муҳрланди. 2001 йилда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға муво- фиқ, 31 август мамлакатимизда “Қатагон қурбонларини ёд этиш куни” деб эълон қилинди.

Ёдгорлик мажмуаси қўлдан-қўп тарихий воқеаларға гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этилган. Айнан шу ерда уша давр зиёлиларининг энг сара вакиллари — адиблар, олимлар, адабиётшунос-

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Ёшлар академиясининг Васийлик кенгаши таркиби 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузурида **Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) юридик шахс мақомисиз ташкил этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат улуши юқори бўлган корхоналарға теғишли юридик шахсларнинг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари **жами маблағларининг йилгига 10 фоизи микдоридаги маблағларини ҳар йили Жамғармага ўтказиш тўғрисидаги таклифига** розилик берилиш.

7. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

мазкур қарорнинг 6-бандида кўрсатиб ўтилган маблағлар; Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғяларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгашининг қарорига асосан йўналтирилаётган маблағлар қисми;

Ёшлар академияси Васийлик кенгаши аъзолари — ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат улуши мавжуд корхоналар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, **юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлиқ хайриялари;**

Ёшлар академияси аъзолари томонидан инновацион, амалий ва стартап лойиҳалар натижалари асосида тайёрланган инновацион махсусотларни **тижоратлаштиришдан олинадиган даромадларнинг бир қисми;**

халқаро молиявий институтлар, донорларнинг **грантлари ва кредитлари;**

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини **тижорат банклари депозит ҳисобларига** жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

Ёшлар академиясига бириктирилган **бино ва иншоотларни ижараға беришдан олинган тушумлар;**

ташкилотлар билан **тузилган шартномалар** доирасида олинган даромадлар;

қонун ҳўжаллари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. **Жамғарма маблағлари қуйидагиларға йўналтирилиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин:**

инновацион, амалий ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришга, шу жумладан, илмий-инновацион акселератор ва бизнес-инкубаторларни ташкил этишга, илгор технологияк ишланмаларни ишлаб чиқишга;

Ёшлар академияси фаолиятини ташкил этиш, **хорижий ва маҳаллий етакчи олимлар, мутахассислар ҳамда ватандошларни** белгиланган тартибда жалб қилишга;

иқтидорли ёшларни ривожланган давлатларнинг нуфузли илмий марказлари, университетлари, технопарклари ва ишлаб чиқариш корхоналарида **малака оширишларига**, нуфузли илмий нашрларда **мақолаларни чоп этиш**, шунингдек, хорижий ва маҳаллий **патентлаш харажатларини қоплашга;**

илмий-амалий тадбирлар (симпозиум, конференция, семинар, тренинг, давра суҳбатлари, мастер-класслар ва бошқалар) **ташкил этиш ҳамда халқаро илмий-амалий тадбирларда қатнашишга;**

Ёшлар академиясининг мазкур қарорда **белгиланган асосий вазифаларини** рўёбға чиқаришға.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма томонидан Ёшлар академияси фаолияти билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Васийлик кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади;

Ёшлар академияси аъзоларининг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ–5466-сон Фармони асосида аҳрлатилган маблағлар доирасида ўрнатилган тартибда молиялаштирилади;

Ёшлар академияси аъзоларининг малакасини ошириш ва уларни хорижий стажировкаларға юбориш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Мутахассисларни хорижада тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси дастурлари доирасида бюуртмага асосан амалга оширилади;

давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган ёш олимлар илмий-техник лойиҳалари Ёшлар академияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

10. Иқтидорли ёшларни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги “Ёшлар

академияси” фаолиятига 2019-2020 йилларда жалб этиш бўйича “Йўл харита”си 3-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И. Ю. Абдурахмонов тасдиқланаётган “Йўл харита”сида назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажаришға шахсан масъул этиб белгилансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ёшлар академияси аъзоларининг илмий-ижодий салоҳиятини рўёбға чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида 2020 йилнинг 1 апрелига қадар қуйидаги платформаларни ташкил этсин:

“Гоғялар генераторлари” — Ёшлар академиясининг асосий йўналишларига теғишли бўлган маълум бир муаммонинг ечимига қаратилган инновацион гоғяға эға жамоалар платформаси;

“Стартаплар” — ўз гоғяси ва ушбу гоғяни амалга оширишға қаратилган стартап лойиҳалари ва уларни амалга ошириш бўйича аниқ режаға эға жамоалар платформаси;

“Бизнес вакиллари” — фаолиятида илм-фан ва инновация ютуқларини қўллаган ва теғишли соҳада камида 1 йиллик тажрибаға эға бўлган жамоалар платформаси;

“Бўлажақ академиклар” — юқоридаги платформаларда фаол иштирок этган, мамлакатнинг илм-фан ривожланишига катта ҳисса қўшаётган юқори илмий салоҳиятға эға олимлар платформаси.

Белгилансинки, Ёшлар академияси фаолияти доирасида мамлакатимиз келажағи учун муҳим аҳамиятға эға бўлган сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия манбалари, робототехника ва мехатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саноят дизайни, 3D моделлаш ва бошқа истиқболли йўналишларда амалий, инновацион ва стартап лойиҳалари амалга оширилади.

12. Ёшлар академияси аъзолари учун замонавий инфратузилмага эға шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази, Илгор технологиялар маркази ва “Яшнобод” инновацион технопаркиннинг **бинолари, лабораториялари, акселератори ва коворкинг марказларини Ёшлар академиясига бепул фойдаланиш учун ажратсин;**

2020 йил 1 январға қадар Тошкент вилояти ҳўкимлиги билан биргалиқда Ёшлар академиясининг аъзоларига дунёнинг етакчи мамлакатлари тажрибаси асосида Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида барпо этилаётган **“ақли шаҳар” худудида замонавий инфратузилмага эға кичик ва иҳчам “Science Park” (Сайнспарк) ташкил этиш** бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноят палатаси Ёшлар академияси аъзоларига бизнесни ташкил этиш ва ривожлантириш, шу жумладан, бизнес-режалар ва таъсис ҳўжалларини тайёрлаш, суғурта, бухгалтерия, ҳисобот бериш, бизнес шериклари, мини-технологиялар ва усқуналарни топиш билан боғлиқ хизматларни ташкил этиш бўйича мунтазам маҳорат дарсларини олиб боссин.

14. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига доимий равишда Ёшлар академияси фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, телерадиоканалларда интеллектуал йўналишдаги телерадиодастурларни ташкил этиш ва эфирға узатиш тасвия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3416-сон қарорига 4-иловаға мувофиқ ўзғартиришлар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ой мўддатда:

Ёшлар академиясининг низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда қонун ҳўжаларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзғартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 30 август	



ҲАҚИҚИЙ САНЪАТНИ, СОҒ ВА БОҚИЙ МУСИҚАНИ ҲАЗРАТИ ИНСОН ЯРАТАДИ

Самарқандда «Шарқ тароналари» XII халқаро мусика фестивалининг гоғлиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Глобаллашув жараёнида “оммавий маданият”нинг ўргиммак түри сингари дунё бўйлаб ёйилишида мусиканинг роли катта бўлмоқда. Шу боис қадим Шарқда қайси жойда қандай мусика ижро этилиши- га ҳам доим аҳамият берил- ган. Давлатимиз раҳбарининг “Шарқ тароналари” ўн иккин- чи халқаро мусика фестивали- нинг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги таб- рик сўзида санъат билан ошно ёшларнинг ҳаётға муносабати,

лан ташкил этилиб, вилоят ту- манларида, оммавий байрам- лар ташкил этиладиган май- донларда ҳақиқий байрам ту- сини олди ва минг-минглаб томошабинлар олқишига сазо- вор бўлди. Қўшни давлатлар- дам қавму қариндошлариники- га келган меҳмон, сайёҳлар учун эса қўшалоқ байрам бўлди.

— “Шарқ тароналари”

XII халқаро мусика фестивали

танлов жараёни биздан катта

масъулият талаб қилди, —



миллий урф-одат ва умумбашарий қадри- ятларға ҳурмати ба- ланд бўлиши алоҳида қайд этилди. Унда, жумладан, жаҳон му- сикаси оламида ке- чаётган бугунги жара- ёнлар ҳақида қучур фикр-мулоҳазалар билдирилди: “Барчан- гиз гувоҳсиз, шу кун- ларда генератив му- сика, сунъий интел- лект ҳақидаги баҳс- лар қизгин тус олмақ- да. Келажақ мусикасини энди фақат техника яратди, деган башоратлар илгари сурилмоқ- да. Лекин ҳаммамиз яхши би- ламизки, ҳар қандай мукамил техника воситаси ҳам тирик инсон нафасини, унинг юрак ноталарини, жонли овоз жо- зибасини, чинакам санъат ўрнини ҳеч қачон босолмай- дини. Ҳақиқий санъатни, соғ ва боқий мусикани фақат Парвардигори оламнинг марҳамати билан ҳазрати Инсон яратди”.

Бу сўзлар замирида “Шарқ тароналари” каби нуфузли халқаро мусика анжуманининг аҳамияти юқасам бўлгани- ни эътироф этмай илоҳ йўқ. Бу йилги “Шарқ таронала- ри” халқаро мусика фестива- лининг файзу шуқуҳи ўзгача, нуфузи юксак эканлигига давлатимиз раҳбарининг жо- рий йил 26 февралдаги “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивалини ўтказишға тайёр- гарлик қўриш чора-тадбирла- ри тўғрисида”ги қарори ало- ҳида аҳамият касб этди. Ҳусу- сан, унда 75 та давлатдан 340 нафар вакил қатнашди. ЮНЕСКО Бош директори Одири Азуле хоним билан бир қатор- да, анжуман ишида дунёнинг турли давлатларидадан ташриф буюрган давлат арбоблари, маданият ишлари бўйича ва- зирлар, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг юр- тимиздаги элчилари ва вакил-

дейди Фестивалнинг халқаро ҳақамлар ҳайъати аъзоси, та- никли бастакор ва профессор Ойдин Абдуллаева. — Аввало, шуни айтиш лозимки, ҳар бир жамоа пухта тайёргарлик би- лан келган. Шунинг учун улар- нинг чиқишлари ўзига хо- сли- ги билан алоҳида ажралиб турди. Барча чиқишлар ижро- си, оханги ва ўйноқлиги, ав- жи ва дилларни ларзаға ке- лтирадиган ноласи ҳамда қад- имийлиги билан гўзал асарлар ҳисобланади. Баҳолашда бар- ча жараён эътиборға олинди.

“Шарқ тароналари” ўн ик- кинчи халқаро мусика фести- валининг навбатдаги гоғлибла- ри ҳам аниқланди. Унга қўра, “Бадахшон” жамоаси (Тожи- кистон) ва “Айрхан” жамоа- си (Россия) ҳамда Ўзбекис- тон вакиллари — Азизжон Абдуазимов ва Улуғбек Элмуродзодаға фестивалнинг учинчи даражали дипломлари, 2 минг АҚШ долларидан пул мукофоти ва эсдалик совғалар тақдим этилди.

Иккинчи ўринға Туркманис- тоннинг “Арчабил” ва Мўғулис- тоннинг “Хатан” жамоалари сазовор бўлди. Уларға 3,5 минг АҚШ долларидан пул мукофоти, диплом ва бошқа совғалар топишрилди.

Биринчи ўрин эса Қирғи- зистонинг “Комузчилар” дуэти ҳамда Озарбайжондан келган Парвиз Гасимовға на- сиби этди. Уларнинг ҳар бири

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

лари, дунё оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этди.

Фестиваль якуниға етиши- дан бир кун аввал Жомбой туманидаги болалар мусика ва санъат мактабига АҚШ, Португалия, Аргентина ва Мўғулистондан ташриф буюрган санъаткорлар кон- церт беришди.

— Ушбу фестивал ҳақида бугун бутун дунё санъаткор- лари яхши билади, — дейди португалиялик иштирокчи Гомес Таварис Андре Филипе. — Бошқа давлатлардаги ҳам- касбларимиз билан суҳбатла- шиб, бунга яққол амин бўлиб, Дўстлик, ҳамжиҳатлик рамзи- га айланган ушбу фестивал учун Ўзбекистондан миннат- дорим.

Асосий саҳнаси Регистон майдонидан ўрнатилган мусика фестивали бу йил ўзгача тар- тибда, қатор янгиликлар би-

5 минг АҚШ доллари микдо- ридаги пул мукофоти, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шундай қилиб, “Шарқ та- роналари” ўн иккинчи халқаро мусика фестивалининг бош соврини — Гран-при Ўзе- бекистон вакили Мехринигор Абдурашидовға берилди.

Бу мукофот мен учун юксак шарафдир, — дейди ҳажжон билан Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Мехринигор Абдурашидова. — Нуфузли халқаро фестивалда иштирок этишнинг ўзи катта бахт. Шундай бўлса-да кўнглимнинг туб-тубида бу мусиқий анжуманда гоғлиб бўлиш истағи бор эди. Ана шу ортиқча амалға ошганидан бериҳу хурсандман.

Фестивалнинг ёпилиш ма- росими санъат усталарининг чиқишлари билан якун топди.

«Халқ сўзи».



муи ҳам, мазкур музей ҳам қисқа мўддат ичида юртимизнинг энг гавжум зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Таъкидлаш жоизки, ўзининг 17 йиллик фаолияти давомида му- зей қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, илмий-ижодий меросини қучур ўрганиш, ёшларда истиклол гоғяларига садоқат, ватан- парварлик ва фидойилик туйғуларни кучайтириш борасида муайян ишларни амалға ошириб келмоқда.

2017 йил 31 августда му- зей тарихида ўта муҳим воқеа содир бўлди. “Қатагон қурбонларини ёд этиш куни” муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев музейға ташрифи чоғида муассаса фаолиятиға юксак баҳо бериб, унинг ви- лоятларда ҳам бўлимларини ташкил этиш бўйича таклиф билдирди ҳамда бу музейлар халқимиз, айниқса, ёшлари- миз учун муқаддас зиёратгоҳ, маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиши кераклигини таъкид- лади. Ушбу таклиф ва муло- ҳазалар асосида 2017 йил 22 ноябрда Вазирлар Маҳка- масининг “Ўзбекистон Рес- публикаси Вазирлар Маҳка-

</



ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ — ЭНГ УЛУФ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ МУБОРАК БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ВАТАНИМИЗ ЭРИШГАН ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ —
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ БИЛАН
МУБОРАКБОД ЭТИШДАН ЧУҚУР ФУРУР ВА ИФТИХОР
ТУЙФУСИНИ ҲИС ЭТАМИЗ!

БАҒРИКЕНГ ХАЛҚИМИЗГА ХОТИРЖАМ ВА ФАРОВОН
ҲАЁТ ҲАМДА БАРЧА ЖАБҲАДА ЮЗ БЕРАЁТГАН
ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ ЧИНАКАМ
БАХТ КЕЛТИРИШНИ ЧИН ҚАЛБДАН ТИЛАБ ҚОЛАМИЗ!

САМИМИЙ ЭҲТИРОМ ИЛА,
«EPSILON DEVELOPMENT COMPANY» ХК МЧЖ.



«ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ» МАНУМЕНТАЛ ЁДГОРЛИГИ. ҲАЙКАЛТАРОШ — Д.Б.РЯБИЧЕВ.
«ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ» САРОИИ. АРХИТЕКТОР — ЕВГЕНИЯ РОЗАНОВА.

(“Халқ сўзи”нинг навбатдаги сони 1 сентябрь, якшанба кuni чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
руйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 603 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Гаффоров.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.00 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси